Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 162 (21. 261) 1992 йил 18 август, сешанба ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН. СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

БАЙРАМГА 12 КУН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида

ХАЙРЛИ ВА САВОБЛИ ИШЛАР

● Сирдарё вилояти партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини ҳамда республика Президенти ва ҳукуматининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини тарғиб қилиш, амалда жорий этиш борасида бирмунча фаол ишларни олиб бормоқдалар.

Бу масалалар барча бўғинлардаги партия кенгашларининг мажлисларида мунтазам равишда кўриб борилмоқда. ХДП Дастури ва Низомини партия аъзолари ва унга хайрихоҳлар томонидан ўрганиш ҳамда кенг аҳоли ўртасида унинг ғояларини тарғиб этиш жараёнида ушбу мавзуга катта эътибор берилмоқда, республика раҳбариятининг шу соҳадаги фармонлари моҳияти, улар амалга оширилаётгани аниқ далиллар асосида тушунтирилмоқда. Бу ишда партия ташкилотларининг «Мулоқот» сиёсий клублари, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари, маҳаллий матбуот органларидан самарали фойдаланилмоқда. Вилоятда ўтказилган ахборот кунларининг бири ««Ўзбекистон ХДП, республика Президентининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати ва тадбирлари» мавзуига бағишланди.

Вилоят партия раҳбарияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини тарғиб қилиш билан бирга, шу борадаги Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришда маҳаллий ҳокимият идораларига кўмаклашиб, 1992 йил эрта баҳорида меҳр-шафқат ойлигини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Кўп болали оилалар, ёлғиз қолган қариялар, ногиронларнинг аҳволи ўрганилиб, тегишли рўйхатлар тузилди. Ойликни ўтказишнинг мақсади ва моҳияти кенг жамоатчиликка матбуот орқали ва оғзаки тарғибот воситалари ила тушунтирилди. Давлат тузилмалари, турли жамоат ташкилотлари ва омма томонидан қўллаб-қувватланган ушбу тадбир давомида бир миллион сўм атрофида маблағ йиғилди. Унинг бир қисмига озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал сотиб олиниб, мухтожларга тарқатилди.

Вилоят аҳолиси, биринчи навбатда партия аъзоларининг фаол иштирокида ҳашар йўли билан 590 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз истиқомат қилувчи ночор фуқароларнинг турар жойлари таъмирланди, ёрдамга муҳтож оилаларнинг томорқаларига мевали дарахт кўчатлари ва сабзавот экишда ёрдам кўрсатилди. «Наврўз» байрами муносабати билан вилоят партия, ҳокимлик, хўжалик раҳбарлари 4 мингдан ортиқ фахрий, ногирон ва ёлғиз кишиларнинг оилаларига ташриф буюрдилар. Уларнинг яшаш шароитлари ва имкониятлари ўрганилиб, кўпларига баҳоли қудрат моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Партия ташкилотлари бундай хайрли тадбирлар ва савобли ишларга доимий тус беришга ҳаракат қилмоқдалар. Вилоят партия ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир фармонлари бажарилишини ХДП аъзола-

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН—ПОКИСТОН:

ТАШРИФ АМАЛИЙ ВА САМАРАЛИ БЎЛДИ



СУРАТЛАРДА: 1. Исломобод аэропортида кутиб олиш маросими. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф ўртасидаги музокаралар пайти.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. Каримовнинг Покистон Ислом Республикасига расмий давлат ташрифини музокаралар натижасига кўра, самарали ва амалий, бениҳоя самимий ва тантанали учрашув бўлди, деб таърифлаш мумкин. Бу ташриф дўст мамлакатнинг Мустақиллиги кунига тўғри келди.

Исломобод аэропортида Ўзбекистон Президенти ва унинг ҳамроҳларини Покистон Ислом Республикасининг Президенти Ғулом Исҳоқхон ва Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф кутиб олдилар. Олий мартабали меҳмон шарафига қўшинларнинг бир неча турлари намояндаларидан иборат фахрий қоровул саф тортди. Миллатлар салюти янгради.

Меҳмонлар тушган автомобиллар карвони ўтиб борган ҳамма йўлларда Покистон пойтахтининг аҳолиси И. Каримовга пешвоз чиқди. Шаҳар: «Яшасин Покистон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик!», «Марҳабо, азиз ўзбек дўстлари!» деган шиорлар ва алвонлар билан безатилган эди.

Ўша куниёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Бош вазир Муҳаммад Навоз Шариф ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Суҳбатлар чоғида Ўрта Шарқдаги ва Афғонистондаги вазиятни тинчлантиришга таллуқли кўпгина масалалар ҳақида гаплашиб олинди. Томонлар Тожикистондаги аҳвол хусусида ҳам ташвишланиб гапирдилар. Афғонистоннинг яхлитлигини сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз фақат тинч йўл билан ҳал этилиши лозимлигини И. Каримов таъкидлаб ўтди. Мусулмонлар дунёсида жуда катта обрў қозонган Покистон бу ишда катта вазифани ўтай олади.

Томонларнинг ўзаро курашни имкони борича тезроқ тўхтатиш, жафокаш Афғонистон диёрида яшовчи барча халқларнинг тинчлиги ва бирлигига эришиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, И. Каримов билан Муҳаммад Навоз Шарифнинг фикрлари ҳар жиҳатдан бир-бирига мувофиқ бўлиб чиққан. Энг муҳими ҳам ана шу десак бўлади. Зеро, мустақил Ўзбекистон ҳам Покистон сингари Шарқда тобора салмоқли мавқега эга бўла бошлади. Айни Ислом Каримовнинг вазмин ва тинчликсеварлик руҳидаги фикрлари кўпгина давлатларнинг раҳбарларига манзур бўлмоқда.

ТОМОНЛАР ташриф вақтида имзоланган ҳужжатларнинг аҳамияти катта эканини таъкидламоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида почта хизмати ва телеалоқа йўллари соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим; сармоя сарфлашни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим; сув хўжалиги, энергетика, ирригация ва мелиорация соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги битим, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Покистон Давлат банки ўртасидаги битим; Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Покистон Миллий банки ўртасидаги битим шу ҳужжатлар жумласига киради.

Ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга таллуқли кўпгина масалалар ҳам кўриб чиқилди. Аввало, автомобиль шоҳ йўллари қуришда, Ўзбекистондан юкларни ташиш учун Покистон портларидан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш масалалари ҳақида гаплашиб олинди.

Миллий байрам — Покистон Мустақиллиги кунини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Президентига зўр иззат-икром кўрсатилди. Дўст мамлакатнинг дипломатия ва савдо-саноат доираларига мансуб бўлган кўпгина кишилар олий мартабали меҳмон ёнига келиб, иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирдилар. Ўзбекистон ва Покистон халқларининг тарихи, маданияти, анъаналарида ўхшашликлар кўплиги қайд этилди.

Покистондаги барча етакчи газеталар Президент Ислом Каримовнинг ташрифини ёритишга катта эътибор беришди. Улар Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалар хусусида суверен Ўзбекистон раҳбарининг қатъий фикрини алоҳида бўрттириб кўрсатдилар.

ШУНДАЙ қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яна бир чет эл сафари ниҳоясига етди.

Бу ташриф икки дўст мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш тарихига ёрқин саҳифа бўлиб ёзилиши, шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Покистон Ислом Республикаси мустақиллиги байрам тантаналарида.
Р. ҒАФУРОВ олган суратлар (ЎзА).

АДИБЛАР БИЛАН ХАЛҚ МУЛОҚОТИ

● ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ЕЗУВЧИ, ШОИРЛАРНИНГ ЖОЙЛАРДА РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ШУНДАЙ мулоқотлардан бири Тошкент вилояти Зангиота районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчилари: Шукрулло, Ҳамид Ғулом, шоира Гулчеҳра Нуруллаевалар қатнашиб, меҳнаткашларга мустақилликнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар ҳамда «Мустақиллик нима берди? Келажагимиз қандай бўлади? Яна нарх-наво кўтариладими? Ижодий режаларингиз қандай?» каби саволларга жавоб бердилар.

— Қўшнинг тинч — сен тинч, деган гап бор. Қўшниларимиз тинчимас экан, бизга тинчлик йўқ. Россияда нарх-наво кўтарилиб боряптики, биз ҳам шунга мослашишга мажбурмиз. Бу баъзи кишиларда норозилик ҳиссини кучайтирмоқда, — деди шоир Шукрулло. — Ишонч билан айтиш мумкин, — давом этди у, — бу нарх-наво кўтаришлари ҳам бир нуқтага келади. Шундан сўнг барқарорлик бошланади. Бунинг учун бироз фурсат керак. Тамомила мустақил бўлиб олсак, қийинчиликларга барҳам берилади, деб ўйлайман.

Шоир яқинда ҳукумат делегацияси таркибида Малайзия, Индонезия, Жанубий Корея мамлакатларида бўлиб қайтганлиги ҳақидаги таассуротлари асосида мустақилликнинг имкониятлари тўғрисида гапирди. Ушбу мамлакатларнинг азим шаҳарларига ҳар қанча ҳавас билан боқсанг арзийди. Кўчалар тоза, озода, файзли, одамлари маданиятли. Аммо қишлоқларида бошқача манзаранинг шоҳиди бўлдик. Бу зиддиятни кўрар эканман, хаёлим ўз юртимизга кўчди. Қаторлашиб кетган гувала уйлар, тупроқли кўчаларнинг файзи бошқача экан. Покизалик, меҳнаткашлик, саришталик қишлоқларимизга тенгсиз кўрк бағишлайди. Она заминимизда етиштириладиган меваларнинг лаззати, мазасини ҳеч бир юртда тополмайсиз. Мустақиллик йўлида она Ерни эъзозлаб қадрига етксак, у ризқимизни бераверади.

(Давоми иккинчи бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ОБУНА БАҲОСИ: ● БИР ЙИЛГА — 384 СЎМ. ● ЯРИМ ЙИЛГА — 192 СЎМ. ● УЧ ОЙГА — 96 СЎМ.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилсин | баҳоси | сўм | обуна сони

баҳоси | сўм

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан

МАҲАЛЛА — ҚАТТА КУЧ

● Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзбекистон овози» газетаси ташаббуси билан Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш доимий комиссияси раиси Ш. Темуров бошчилигидаги маърифий юриш гуруҳи аъзолари Фарғона, Марғилон, Қўқон шаҳарларида бўлдилар. Улар жойларда маҳалла қўмиталарининг фаоллари билан, маҳаллий раҳбарлар билан учрашиб, ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда маҳалла қўмиталарининг фаоллигини оширишга асосий эътиборни қаратмоқдалар. Қуйида мухбиримизнинг Фарғона вилоятидан юборган репортажини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЭРТА саҳарда маҳаллаларнинг соя-салқин боғ кўчаларидан ўтган кишининг баҳри дили очилади. Ҳар бир хонадон дарвозаси олди ёғ тушса ялтудек қилиб супуриб, сидирилган, сув сепилган. Кўчалар худди кулиб тургандек туюлади. Бу ўзбекнинг гўзал одатларидан биридир. Дарҳақиқат, ҳар бир ўзбек хонадони кунни эрталаб кўча эшигининг олдини тозалашдан бошлайди. Одамлар кўча эшиги олдига қараб, хонадон соҳибаси, бу ердаги келин ва қизларга баҳо берадилар...

Фарғона шаҳридаги Ҳафиза Иброҳимова номли маҳалла қўмитасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш доимий комиссияси раиси Ш. Темуров бошлиқ маърифий юриш гуруҳи аъзолари билан мазкур маҳалла қўмитаси раиси Абдулла Қодировлар ўртасидаги ўзаро суҳбатда халқимизнинг ана шундай ажойиб хислатлари хусусида гап борди.

— Қизил империя мустамлакаси бўлган пайтларимизда маҳаллага эътибор деярлик йўқ эди, — дейди Шукур Темуров. — Ичимлик сув йўқ, табиий газ келмаган, йўллар асфальтланмаган, ўйдим-чуқур жойлар одатда маҳалла ҳисобланарди. Ҳатто қарангки, маҳаллалардаги савдо дўконларига ҳам учинчи даражали маҳом белгиланган экан. Ҳолбуки, халқмизнинг асосий қисми маҳаллаларда яшайди. Миллий урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимизга гард юқтирмай эъзозлаб, аждодлардан авлодларга етказиб келаётган нарса ҳам шу маҳалла. Маҳалланинг ўзбек жамиятида тутган ўрни ва ролини тиклаш Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдаги энг муҳим омиллардан биридир. «Ўзбекистон овози» газетасининг бу муҳим мавзуга халқимиз диққатини тортиши жуда савобли иш бўлди.

(Давоми иккинчи бетда).

МАҲАЛЛА — КАТТА КУЧ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Тошкентлик меҳмонлар Ҳафиза Иброҳимова нюмли маҳаллада бу борада қилинаётган ишлар, ютуқлар ва муаммолар билан танишдилар. Маълумки, ҳозирги иқтисодий танг шароитларда маҳаллаларда ижтимоий маиший аҳволни ўнглаш кўп жиҳатдан маҳалла аҳлининг ўзига ҳам боғлиқ бўлиб қолди. Ташаббускорлик, халқни маълум бир мақсад йўлида йўналтиришда маҳалла қўмиталарининг роли катта. Шу маҳаллада 1910 йилда қурилган, ўз вақтида жуда ҳашаматли бўлган мачит биноси бор эди. Тоталитар даврларда бу мачит омборхонага айлантирилган. Маҳалла қўмитаси аъзолари ташаббуси билан мачитни тиклаш учун ҳашар уюштирилди. Маҳаллада яшовчи ҳар бир хонадон савобли ишга баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди. Қўҳна мачит яна чирой очди. Яна одамларни ибодатга, имон, инсофга чорловчи азон товушлари эшитила бошлади. Шу маҳаллада вилоят касаба уюшмасига қарашли меҳмонхона бўлиб, бу қаровсиз аҳволга тушиб қолган эди. Маҳалла аҳлининг кучи билан бу меҳмонхона қайта таъмирланиб, кичик тикувчилик корхонасига айлантирилди.

Одамлар хонадонларидаги тинчлик, хотиржамлик маҳалланинг ҳам осойишталиги демакдир. Маҳалла қўмитасида нотинч оилаларни доимо диққат марказида тутиб туришади. Обрўли, эътиборли кишилар мана шундай хонадонларга биркитиб қўйилади. Панд-насиҳат, яхши гап, тушунтириш йўли билан хонадонлар тинчлигини таъминлашга ҳаракат қилинади. Баъзан эса қатъийроқ чоралар кўрилади. Масалан, С. исмли одам баъзан уйига ичиб келиб тўпалон қиладиган қилиқ чиқарди. Оила аъзолари нотовон соҳибдан безор бўлиб, маҳалла раҳбариятига мурожаат қилишди. Тушунтириш ишлари кор қилмагач маҳаллакўм аъзолари С. билан жиддий суҳбатлашишди. Агар маҳалла тинчлигини бузаверса аҳоли қаттиқ чора кўриши мумкинлигини тушунтиришгач, С.нинг кўзи мошдек очилди. У ўзнинг ярамас қилиғини ташлади. Маҳалланинг таъсир кучи ана шундай катта.

Кечки пайт Марғилонсой соҳилидаги шинам чойхонада тошкентлик маҳалла фаоллари билан Фарғона шаҳри маҳалла қўмиталари раислари ўртасида қизғин фикр алмашинуви, мазмунли мулоқот бўлиб ўтди. Гуруҳ аъзоларининг Тошкент шаҳрида бу борада қилинаётган ишлар хусусидаги ҳикоялари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида маҳаллалар фаолияти билан шуғулланувчи махсус бўлим бор. Маҳалла билан ҳокимлик ўртасидаги алоқа жуда мустаҳкам. Фарғона шаҳар ҳокими Х. Мамажонов, «Тўқимачи» маҳалла қўмитаси раиси А. Ортиқов ва бошқалар Фарғонада маҳалла ҳаракатини ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар хусусида сўзлашди ҳамда Тошкент тажрибасини бу ерда ҳам қўллаш ҳақида таклиф ва мулоҳазаларни олға суришди.

— Маҳалла — катта куч, — деди А. Ортиқов. — Бироқ, мана шу катта кучдан ҳамиша ҳам ўринли фойдаланаяпмизми? Мана сизлар келиб Тошкентда шу борада қилинаётган ишлар билан таништираяпсизлар. Аммо бу ҳақда бутун республика билиши керак. Бизнингча, маҳалла ҳаракатини умумреспублика миқёсида мувофиқлаштириб борувчи жамоатчилик асосидаги ташкилот ёки уюшма, унинг раҳбарияти бўлмоғи даркор. Нега энди республика бўйича маҳаллалар жамғармалари фондини вужудга келтириш ва ундан тегишли мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас?

Ш. Темуров ва гуруҳнинг бошқа аъзолари, шунингдек Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг «Менинг маҳаллам» кўрсатуви ижодкори Шавкат Азизов фарғоналиклар ларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

Марғилондаги Ёйилма маҳалласида қилинган ишлар маҳалланинг имкониятлари нақадар кенг эканлигидан далолат беради. Маҳалла марказида ҳашар йўли билан савдо дўкони, чойхона, ошхона, сартарошхона ва бошқа қўшимча бинолар, гузар ташкил этилган.

— Шаҳар ҳокими Улуғбек Ҳакимов маҳаллаларга эътиборни кучайтириб тўғри йўлни танлади, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Асил Бадалов. — Кейинги пайтларда маҳалламизда ижтимоий, маиший аҳволни ўнглаш борасида анча-мунча ишлар қилинди. Йўллар асфальтланди. Табиий газ, ичимлик сув келтирилди. Лекин ўзимиз ҳам ҳокимиятга қараб ўтирмай қўлдан келган ишни қиляпмиз. Бир мисол. Маҳалламиз шаҳар марказидан анча олисда. Аммо бу ерда поликлиника йўқ. Ёш болали оналар, кексалар узоққа қатнашарди. Поликлиника биноси қурилиши эса жуда қимматга тушиши боис ҳокимият маблағ тополмай қийналарди. Шу маҳалла аҳли ўзаро маслаҳатлашиб, поликлиника биносини ҳашар йўли билан қуришга қарор қилди. Одамлар ёғоч-тахта, шифер, ғишт, бошқа қурилиш материалларини ўз ҳисобларидан олиб келаверишди. Ҳар ким қўлидан келганича ёрдам берди. Маҳаллий усталаримиз эса савоб учун бию қурилишида бепул ишладилар. Қисқа муддат ичида бинони тиклаб олдик. Ўнга яқин хонаси бор бу бинодан болалар врачларидан тортиб, тиш докторигача кабинет қилиб бердик. Мана ҳозир халқ ўзи қурган поликлиника аҳолига хизмат кўрсатяпти.

Дарҳақиқат, бу поликлиника биноси ҳозирги баҳоларда камида 5—6 миллион сўм билан битган бўлар эди. Маҳалланинг ҳамжиҳатлиги боис давлатнинг бир сўми ҳам аралаштирилмаган ҳолда бу бино битказилган.

«Ўзбекистон овози» газетаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти йўлланмаси билан келган гуруҳ аъзолари Қўқон шаҳрида ҳам бўлдилар.

— Сафаримиз кўнгилдагидек ўтяпти, — дейди Ш. Темуров. — Кўпгина ибратли ишлар билан танишиб, уларни Тошкент шароитида ҳам қўллаш мақсадида анча режаларни кўнглимизга тугиб қўйдик. Шунингдек, учрашувларда маҳалла фаолларига ўз маслаҳатларимизни ҳам аямадик.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЙРЛИ ВА САВОБЛИ ИШЛАР

(Давоми. Боши биринчи бетда.)

ри бўлмиш халқ депутатлари орқали назорат қилиб турибдилар.

Меҳнат жамоалари партия ташкилотлари, касаба уюшмаларининг ҳамкорликдаги таклиф ва тавсиялари билан корхона ҳамда хўжалик раҳбарлари ишчи ва хизматчиларнинг маошларини оши риш борасида иш олиб бормоқдалар.

Вилоятда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ибратли тадбирлар ўтказилди. Чунончи кам қонли аёлларнинг бепул овқатланиши учун маҳаллий бюджетдан 1 млн 293 минг сўм ажратилган. 1-5 синф ўқувчиларининг кундалик бепул овқатланишлари харажати 40 тийиндан 3 сўмгача оширилди. Юқори синф ўқувчиларига мактаб ошхоналаридаги таомлар 1992 йил 1 январгача бўлган нархларда сотилмоқда.

Вилоятдаги 3044 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига 1214 квартира ва 655 та автомашина бепул берилди. 243 квартира бепул таъмирланди, муҳтож оилаларга 288 та томорқа учун ер ажратилди. Меҳнат жамоалари Ғалаба кунида уруш қатнашчиларига 300-500 сўмдан маблағ ажратдилар. Ҳалок бўлган 1239 жангчи оилаларига молия ёрдами кўрсатилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва оилалар моддий аҳволини яхшилаш мақсадида вилоятда 45212 оилага 11616 гектар ёки ҳар бир оилага 25 сотихдан ер ажратилди. Аҳолини иш билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Хуллас, Сирдарё вилояти партия ташкилотлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хусусида Ўзбекистон ХДП дастурий мақсад ва вазифаларига биноан аниқ ишларни амалга оширишга кўпроқ эътибор бераётир.

Шу билан бирга бу борадаги фаолиятда айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Вилоят, шаҳар, район партия кенгашлари ходимлари ва фаолларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ҳал этилмаган муаммоларга бутун эътибор, куч ва ғайратни қаратиш ўрнига дастлабки қилинган ишларга маҳлиё бўлиш, ишга солинмаган имкониятлар ва мазкур фаолиятнинг истиқболлари устида бош қотирмаслик қайфиятлари сезилмоқда. Ваҳолонки, ҳотиржамлик учун асос йўқ. Республика Президентининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасидаги фармонлари ҳамма жойда тўлиқ бажариляпти, деб бўлмайди. Вилоятда аҳолини доимий ичимлик суви билан таъминлаш, хонадонларни газлаштириш, канализация ўтказиш масалалари катта қийинчилик ва секинлик билан ҳал этилмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришда меҳнаткашларни шахсий манфаатдорликлари омилларидан тўла фойдаланилмаётир. Маҳаллий ҳокимият идоралари, ижтимоий таъминот бўлимлари, вилоят меҳр-шафқат ташкилоти ёрдамга муҳтож, ногирон, бева-бечоралар билан узлуксиз ишлашни йўлга қўймаганлар.

Вилоятда ёшлар орасида ишлашда изчиллик ва изланувчанлик етишмайди. Баъзи шаҳар ва районларда ёшлар ва касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилмаган. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари замонавий иш услубларини ўзлаштира олмасдан, собиқ КПССдагидек юқоридан кўрсатма ва йўл-йўриқлар кутиш, ўз фаолиятларида фаолларнинг тор доирасигагина таяниш, ташвиқот ишларида яккамаякка ишлашга эътибор бермаслик каби нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Вилоят ва районлар матбуоти саҳифаларида партия ташкилотларининг ҳаёти, партия аъзоларининг ибратли ишлари, тўпланган ижобий тажриба яхши ёритилмаётир.

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроя қўмитаси қабул қилган қарорда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят ташкилотининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, республика Президенти ва ҳукуматининг шу соҳадаги сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш юзасидан олиб бораётган ишларини маъқуллаб. Қарорда ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларига партия Дастурини бошланғич партия ташкилотларида, партия тарафдорлари ўртасида чуқур ўрганишни йўлга қўйиш, унинг асосий қоидаларини, айниқса аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги вазифаларни кенг тарғиб этиш ҳамда Республика Президенти ва ҳукуматининг шу борадаги фармону қарорларини амалга оширишга яқиндан кўмаклашиш тавсия этилади.

АДИБЛАР БИЛАН ХАЛҚ МУЛОҚОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— Сизлар билан мулоқот қилиб турганимдан беҳад ҳурсандман, чунки ҳар галги учрашувдан нимадир олиб қайтгандай бўламан, — дейди Гулчеҳра Нуруллаева. — Шуниси қувончлики, бугунги кунда одамлар дилидагини яширмасдан, тўғридан-тўғри айтмоқда. Яқинда бўкалик меҳнаткашлар ҳузуридан қайтдик. Мулоқот чоғида бир онамиз: «Совун етишмаяпти» деб қолди. Маҳаллий раҳбарлардан бири «Районимизда пахтани қайта ишлайдиган корхона ташкил қиламиз, у ишга тушгач, ўзимиз совун чиқарамиз», деб жавоб қайтарганида вужудимни қувонч ҳислари қамраб олган эди. Бугунги халқ билан бўлаётган мулоқотлар самарали бўлаяптики, бу раҳбарлар билан халқ ўртасида бир-бирини тушуниш, яқинлик, кўнгилларда умид, ишонч туғдиради. Бу ҳам аслида мустақиллик туфайлидир.

Мустақиллик бизнинг орзумиз эди. Шоира сифатида мустақилликка эришиш учун курашганимдан дилим таскин топгандек бўлди. Сўнгги икки-уч йил ичида жумҳуриятимиз аҳолиси, ҳусусан қалам аҳлининг безовталиги кучайгандек бўлди. Шу боис ёзиш-чизишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, марказий ҳукуматга қатъий талаблар қўйдик. Лекин ўшанда бизнинг фикримизни ҳеч ким эшитгиси келмаганди. Ҳайрият, жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти фикримизни тинглаб, талабларимизни қондиряпти. Маҳаллий раҳбарларнинг ҳам кўксига шамол тегди. Улар жойлардаги муаммоларни ўзлари мустақил ҳал қилишга ҳаракат қилишмоқдаки, бу катта гап.

Куни кеча дўконга бордим, сузма, қаймоқнинг нархи осмонда экан. Гарчи уларни ололмаган бўлсам-да кўнгли чўкмади, чунки дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлмаса ҳам кўнглимиз тўқ. Шу нарсанинг қадрига етайлик. Энди буёғи ўзимизга боғлиқ. Илгарилари мени «Ўзбекистон мустақил бўлиши мумкинми?» деган савол чулғарди. Саволимга ижобий жавоб беролмасдим. Энди бу ҳақиқатга айланган кезлари «Ўтган кунлар яна қайтиб келармикин. Борди-ю қайтиб келса аҳволимиз не кечади?», деган ўйларга бериламан. Истиқлолга шукрона айтиб, ўтган кунларнинг қайтмаслигини илтижо қиламан.

Ҳамид Ғулом Навоийнинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш» рубойисини келтирган ҳолда мустақилликнинг аҳамиятини тушунтирди. Навоий ушбу рубойисида Ватан озод, мустақил бўлмаса, ўз халқи учун она замин кони ғурбат бўлишини башорат қилган эди. Бизни кишанлаб келган тузум асорати халқимизни шу даражага олиб келган эди. Мустақиллик туфайли ўз юртимизнинг, барча бойликларимизнинг ҳақиқий соҳиби бўлдик. Тақдиримиз, халқ, юрт тақдири ўз қўлимизда. Халқимиз мустақил фикрлайдиган, ўз ишини мустақил қиладиган бўлдики, бу жуда катта бахт, улкан масъулиятдир. Энди «аҳволимиз не бўларкин?» деб, бир чеккада томошабин бўлиб туришга ҳаққимиз йўқ. Ҳар бир одам мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантиришга амалий иш билан ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги тақозо этилмоқда.

Олдимизда иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодиёти даражасига олиб чиқиш вазифаси турибди. Шундагина халқимизнинг моддий аҳволи ўнгланади. Иқтисодиётни бу даражага олиб чиқиш учун халқимизнинг маданий-маърифий савиясини ҳам ошириш талаб этилади. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш керак. Масалан, Туркия тажрибасидан ибрат олсак бўлади. Маълумки, Туркия кўплаб ёшларни Ғарб мамлакатларига ўқишга, ишга юборди-ки, бу ўзининг самарасини беряпти. Биз шунга ҳам эришдик. Минглаб ёшлар хорижга ўқишга, ишга юборилмоқда. Бизга хорижликлар даражасида хўжалик юритадиган, иш бошқарадиган миллий кадрлар ҳаводек зарур.

Ҳозирги эркинлик, демократик жараёнлардан мақсад — мустақиллик ғояларини амалга ошириш учун курашсак, Ватанимиз саодатли бўлади.

Суҳбат чоғида одамларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб берилди. Адиблар ўз ижодий режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашувда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши котиби Ж. Жалилов ва Зангиота район кенгашининг биринчи котиби Ш. Муҳаммаджоновлар қатнашдилар.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК

14 август куни Тошкентда Ёш ватандошлар халқаро фестивалини ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Комитет таркибида республикадаги кўпгина вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари бор. Улар ноябрь ойида Ўзбекистон пойтахтида ўтадиган жаҳон анжуманига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ вазифаларни муҳокама қилдилар.

Фестивалда аждодлари қандайдир сабабларга кўра Ватанидан кетиб қолган ёш бизнесчилар, жамоат арбоблари, турли ижодий уюшмаларнинг, саёҳат компанияларининг раҳбарлари қатнашадилар. Ватандошларимиз ҳозир асосан Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Канада, Германия каби мамлакатларда яшайдилар. Фестивалга жаҳоншумул лойиҳалар билан шуғулланаётган халқаро ташкилотларнинг намояндалари таклиф этилади. Ўрта Осиё мустақил республикалари ва Қозоғистон ёшлар бирлашмаларининг раҳбарлари ҳам Тошкентга келиш истагини билдирдилар. Ташкилот комитетининг аъзолари фестивалнинг турли режаларини уюштириш ва пул билан таъминлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди, у Ёш ватандошлар халқаро фестивалини ўтказиш ташкилот комитетига бошчилик қилмоқда.

(ЎзА мухбири).

САҲРОЙИ КАБИРДАГИ ҒАРОЙИБ ДИЁР

• БИЗ ВА ҲОРИЖ

Саҳройи Кабир номини болалигимда жўғрофия ва тарих фани дарсларида эшитган эдим. Муаллимларнинг афтини бужмайтириб тарифлашидан худонинг қарғиши теккан жой экан, қупқуруқ дашт бўлса, одамлар қандай яшашаркин, бечораларга қийин бўлса керак деб, у ерликларга раҳмим келарди.

Бирлашган Араб амирликлари ҳаво оланига (тайёрагоҳ) қўнганимизда болалик таассуротларимнинг нақадар содда ва ғўрлигидан кулдим. Бундай озода, бундай кўркли жойни ойнаи жаҳонда ҳам кўрмаган эдим. Тайёрагоҳ ходимлари қўлимдаги кичик жамодонимни ҳам қўл-қўл қилиб олиб туширишди. Одамларнинг ҳушфеъллиги ва самимиятини кўриб, тушиммасмикан деб, қўлимни чимчиладим. Ўнгим экан. Тайёрагоҳнинг ўзидаги расталарни кўриб яна ёқа ушладим, Мабодо тижорат масаласида бу юртга келадиган одам бўлса, шаҳар айланмай шу ернинг ўзидан мурод ҳосил қилиб, қайтиб, учиб кетаверса бўлар экан.

Юкимизни «Сиз-сизлаган»дай авайлаб миникка ортишди. Автоулов салқин ва ҳушбичим экан. Шаржа амирлигига жўнадик. 15—20 чақиримга чўзилган йўлнинг ҳар иккала томони ҳам бепоён гулзор эди. Шундай иссиқда гул ўсармиди, пластмасса бўлса керак деб ўйлаб бордим. Гуллар шундай чиройли эдики, ҳайдовчидан бир лаҳза миникни тўхтатишини сўраб, гулзорга кирдим, не кўз билан кўрайки, гуллар пластмасса эмас, табиий экан. Шундай жазирамада гул етиштирганларга тасанно айтиб яна йўлга тушдик.

Йўл-йўлакай йўл назоратчиларини кўрдик. Аммо булар робот бўлиб, қоида бузарларни ўша пайтнинг ўзи да қайд этиб, марказга хабар қилар ва айбдор, албатта жазосини олар экан. «Ҳе, робот ака, қўйворақолинг, мана бу сизга чойчақа», деган гаплар ўтмайди. Йўллар эса шишадай товланади. Тептекис. Миникларни тиқин бўлиб қолиши йўқ. Ҳатто йўллар кесишмайди. Миникларнинг тўқнашиши, фалокат рўй бериши деярли йўқ ҳисобида.

Бежирим меҳмонхонани таърифлашга ҳожат йўқ. Телевидение ўнлаб мамлакатларнинг кўрсатувларини мунтазам бериб борар экан, Бир маҳал ойнаи жаҳонда Президентимиз Ислом Каримов пайдо бўлдилар.

— Мўътабархон, телевизор Тошкентни ҳам кўрсатар экан, — деб рафиқамни чорладим.

Кейин билишимча, Тошкент телевиденнеси эмас, Хельсинки кўрсатаётган экан. Президентимизнинг нутқини амирлик телевидениеси тўлалигича олиб берди. У киши Хельсинкида халқаро анжуманни бошқарганликларини ҳам телевидение орқали гувоҳи бўлдим. Телевиденеда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги воқеаларини кўрсатишга кўп вақт сарфланар экан. Айниқса мусулмон жумҳуриятларидаги аҳвол қизиқиш билан кузатилади.

Бирлашган Араб амирликлари гарчи Ислом динининг таянч мамлакатларидан бири бўлса ҳам, дин давлат ишларига аралашмас экан. Мамлакатда қонун устивор. Қонун олдида шоҳу-гадо бирдай жавобгар экан.

Ерлик аҳоли — араблар жўз навбатида инсон ҳуқуқларининг ҳақиқий ҳимоячиларидир. Иншооллоҳ, бизда ҳам мана шундай маърифатли ҳуқуқ посбонлари кўпайсин.

Мамлакатда боғлар жуда сероб бўлиб, ҳурмолар пишиб етибди. Ҳурмони териб ейиш текин. Гулзор ва ҳурмозор тугаган жойда савдо расталари бошланади. Дўконлардаги молларнинг сероблигини кўриб, бутун дунё аҳолиси бу ерга ёғилиб келиб харид қилишса ҳам дўконлар ярим бўлмаса керак, деган фикр хаёлимга келди.

Мамлакатнинг бор бойлиги қора олтиндан экан. Дунёнинг энг нуфузли мамлакатларида ишлаб чиқариладиган саноат моллари дўконларда тўлиб кетган. Антиқа автоминикларни кўриб мактаб ўқитувчимизнинг «Саҳройи Кабирдаги улов воситаси фақат туя» деган гапларини эслаб кулиб қўйдим.

Бизнинг ўқувчилик пайтимизда «дунёдаги энг бахтиёр халқ — Совет халқи», «биз бахтиёр болалармиз» деган сохта ақидалар асосида тарбияланганимиз ёдга тушади.

Биз «бахтиёр болалар» биринчи синфлигимиздаёқ пахта терардик. Қўлларимиз совуқ қотиб, совуқда дилдираб турсак ҳам, энг бахтиёр болалар — бизмиз, деган фикр хаёлдан кетмасди.

Муаллимлар динни ёмонлаб, номоз ўқийдиган одамларни масхара қилишарди. Амалдор одамлар дастурхонда фотиҳа ўқилганда ҳам қўлини кўтариб юзига тортишга ҳайиқишарди. Бу-ку энди болаликда бўлган гаплар.

Куни кеча, бундан 3—4 йил бурун Усмонхўжаев ва Нишоновлар «ҳукмронлиги» даврида одамлар таъзияга боришдан ҳам юрак олдириб қўйишган эди-ку.

Бундан 3—4 йил олдин «бирор жумҳуриятнинг раҳбари Макка ёки Мадинага борибди» деган гапга биров ишонармиди?

Мана энди Президентимиз Ислом Каримовнинг Саудия Арабистонига бориб, муқаддас жойларни зиёрат қилганликларини ҳаммамиз телевизор орқали кўриб, Президентимиз билан бирга ҳаяжонландик.

Миллатни динидан, ўтмишидан айириш жиноятдир. Ҳар бир мактаб, ҳар бир кўча, ҳатто атторлик дўконида ҳам Карл Марксниг «Дин—халқ учун афъюндир» деган сўзлари осиб қўйилган бўларди. Фаол осийлар, атеистларимиз ҳатто ўз ус-тозларининг сўзига ҳам болта солишибди. Марксниг шу узилган жумласининг давоми, «Аммо мен тақводор бўлганимда, албатта, Ислом динини танлаган бўлардим» деб тугатилар экан. Ҳозир энг ривожланган мамлакатларда ислом динини қабул қилувчилар сони кўпайганлиги фикримизнинг далилидир.

Бирлашган амирликда бошқа дин вакиллари ҳам эмин-эркин яшашар, ўз динларига сиғиниб ,ўз билгиларича кун кечиришар экан. Аммо мамлакатнинг қонунларига қатъий бўйсинишади.

Мен кўп диндошларимиз билан мулоқотда бўлганимда шуни билдимки, собиқ СССРнинг йирик раҳбарларидан биринчи бўлиб Макка ва Мадина сафарига борган Ислом Каримовга ҳурматлари зўр экан.

— Ислом Каримовнинг жумҳурраис бўлиши Оллоҳнинг иродаси. У кишининг отасига минг раҳмат. Исломга ривож берсин деб мос исм қўйишган экан, — дейишди биз билан мулоқотда.

Дубай, Обудаби ва Шаржа амирликлари бўйлаб сафаримда ҳам қувондим, ҳам алданган авлод эканлигимизни ўйлаб қайғурдим.

Ахир бизнинг миллатимиз, аждодларимиз неча минг йиллар буюк салтанатлар қуришган. Дунёни сўраб туришган. Кунчиқардан Кунчўкаргача давлат барпо этиб, эннинг манглайини силашган. Камбағалларга нафақа тайинлашни дунёда биринчи бўлиб буюк бобомиз Амир Темур ҳазратлари жорий этганлар.

Тарихидан, илдизидан узилган миллат бузилган миллатдир. Бизга ҳеч ким океаннинг ортидан келиб, ишларимизни созлаб бермайди. Жумҳуриятни оёққа тиклаш, боболаримизга мос давлат пайдо этиш, президентдан тортиб, ушбу жумлаларни ўқиётган муштарийнинг зиммасида. Шундай жаннат диёрда яшаб туриб, унинг қадрига етмаслик, буюк иморатни кўркам бўлишига ҳисса қўшмаслик гуноҳ.

Мен Саҳройи Кабирдай жойда ғаройиб диёр барпо этган диндошларимизни кўриб, нуқул Туркистонни ўйлайвердим. Туркистонда яшаётган тили бир, дини бир халқлар ўзаро ҳамжиҳат бўлиб иш қилишмаса, иқтисодий бўҳрондан чиқиш мушкул.

Туркистон жумҳуриятлари, айниқса Ўзбекистонимиз Туркия ва Араб мамлакатлари билан дўстлик кўприкларини мустаҳкам қуриши зарур.

Яқинда 40 кун давомида Саудия Арабистони сафарида ҳожиона бўлиб қайтган волидан муҳтарамам «Ўғлим, дунёни кўр, хотинингга ва фарзандларингга дунёни кўрсат» деб маслаҳат бердилар. Мен яқинда Туркиянинг Ўзбекистонда ҳам кўрсатилаётган Овроосиё дастурида минглаб ўзбекистонлик талабаларнинг Туркия бош вазири Сулаймон Демирэл билан мулоқотини кўриб кўзимга ёш тизилди. Қанийди, йигирма ёш бўлганимда мен ҳам ўқишга борардим. Ўзбекистон учун энг зарур мутахассис бўлиб келардим.

Қилинадиган ишларимиз жуда кўп. Мустақил давлатга муносиб мутахассислар зарур. Энди яна бир гапни айтмасам бўлмас, Амирликлар тайёрагоҳида назорат қилувчи ходимлар ниҳоятда ҳушфеъл, одамохун бўлишиб, хурмат билан кузатишди. Бир йўловчини текширишга ярим дақиқага етар-етмас вақт кетар экан. Йўловчининг эсон-омон учиб кетиши унинг хавфсизлигини таъминлаш полиция кафолатида.

Бизда ким кафолот бера олади?!

Тошкентга қайтгач, тайёрагоҳнинг ўзида тарвузим қўлтиғимдан тушди. Ёввойиларга хос бақириқ-чақириқлар, назоратчиларнинг қўполлиги, йўловчиларнинг одам ўрнида кўрилмаётганлиги хўрлигимни келтирди. Ахир тайёрагоҳ хизматчилари йўловчиларга бақириш учун эмас, йўловчи олдидаги вазифасини аъло даражада бажарганлиги учун маош олишади-ку?!

Майли уларни давлат тилини билмасликлари учун айбламайлик. Лекин одамга ҳурмат билан муомалада бўлиш ҳар бир миллат вакилининг бурчи-ку.

Ахир тайёрагоҳ Ўзбекистоннинг кўзгуси-ку. Наҳот йигирма икки миллионли Ўзбекистонда ўнтагина ҳушфеъл, одобли ўзбек қизи топилмаса? Мен билан учоқдан бирга тушган арабларга ҳам юқоридагидай қўпол муомала қилинди. Буни кўрган хорижликларнинг кўнгли ранжимасмикин?

Менинг юқоридаги гапларимда бошқа миллат вакиллари тайёрагоҳдан ҳайдалсин деган маъно йўқ. Аммо жумҳуриятнинг остонасида давлат тилини биладиган, ҳеч бўлмаса, одам тилини биладиган кишилар хизмат қилиши шарт. Менимча, Ўзбекистоннинг ўзига хос чиройга эга бўлиши учун ишни остонадан бошлаш зарур.

Нурмат ЛАТИБЖОНОВ,
Андижон нақлиёт милиция-си бошлиғи, милиция подполковниги.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

Футбол

«ПАХТАКОР» ПЕШҚАДАМЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАДИ

ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари Ўзбекистон миллий чемпионатининг якунловчи давраси ўйинларини кўтаринки руҳда, ҳужумқорлик билан ўтказиб мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда.

«Пахтакор» футболчилари ҳозирча мухлисларни қувонтириб туришибди. Улар кетма-кет йирик ғалабага эришиб, пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамладилар. Навбатдаги учрашувни «Қибрай» стадионида янгиерликлар билан ўтказган пахтакорчилар 5:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» билан «Кимёгар» учрашуви меҳмонларнинг ўйинга келмаганлиги сабабли қолдирилди. Агар, Олмалиқ жамоаси узрли сабабни важ қилолмаса, фарғоналиклар ҳисобига ғалаба ёзилиши мумкин. Учинчи ўринни эгаллаб турган «Нурафшон» бу сафар дам олди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Пахтакор-79» — «Марқанд» — 0:0, «Шаҳрихончи» — «Сўғдиёна» — 0:6, «Косонсойчи» — «Темирйўлчи» — 1:1, «Чирчиқ» — «Навбаҳор» — 0:0, «Трактор» — «Наврўз» — 3:0. Бугун навбатдаги тур учрашувлари ўтказилади. Пахтакорчилар «Марқанд» жамоасини, «Нефтчи» — «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қиладилар

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
Пахтакор	14	2	3	56-21	30
Нефтчи	12	4	2	34-8	28
Сўғдиёна	13	1	5	35-17	27
Нурафшон	10	6	2	27-13	26
Темирйўлчи	9	6	4	24-13	24
Навбаҳор	8	7	3	25-11	23
Косонсойчи	8	3	8	24-21	19
Наврўз	6	7	5	20-22	19
Марқанд	6	5	7	20-23	17
Пахтакор-79	6	4	9	22-33	16
Трактор	7	1	10	19-26	15
Чирчиқ	5	4	9	20-26	14
Орол	5	3	10	13-24	13
Кимёгар	4	4	10	20-40	12
Шаҳрихончи	3	6	10	13-35	12
Янгиер	3	2	13	18-39	8
Сурхон	0	7	9	10-28	7

«ТУРОН» МЕКСИКАГА ЙЎЛ ОЛДИ

Океан ортига сафар қилиш истагида юрган жамоалар оз эмас эди. Лекин чек андижонликларга тушди. Гап шундаки, «Турон» футболчилари касаба уюшмалари жисмоний тарбия жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида муваффақиятли қатнашмоқда. Улар дастлабки даврани гуруҳлари орасида якка пешқадам бўлиб якунлашди. Тошкентдан олинган хабар эса уларнинг қувончига-қувонч қўшди: «Турон» Мексикада ўтадиган VI жаҳон мусобақаларида қатнашишга муносиб деб топилди.

— Дунёнинг кучли ҳаваскор футбол жамоалари сафида андижонлик йигитлар муносиб ўрин олади деган умиддаман, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти футбол бошқармасининг бошлиғи Анвар Солижонов.

(ЎзА мухбири).

• МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ

Маълумки, совет даврида ўз Ватанининг мустақиллиги ва эркинлиги учун курашган кишилар «миллатчилар», «халқ душманлари» ва «империализм айғоқчилари» деган бўҳтонлар билан қораланган. Ҳозир демократия ва ошкоралик, мустақилликка эришганимиз, «қизил империя»нинг ақл ўргатишидан қутулганимиз туфайли ҳақиқат юзага чиқиб, ўтмишдаги ватанпарварларнинг номлари зўр ҳурмат билан тилга олинмоқда. Тарихимиз воқеа-ҳодисаларига холисона ёндошилмоқда. Чунончи, Туркистон давлатини ташкил этишни мақсад қилиб қўйган «Қўқон мухторияти» ва унинг асосчиларига эндиликда адолат юзасидан ёндошилиб, холисона баҳо бериш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу мақолани эълон қилишдан мақсад-муродимиз ҳам шу. Зотан, Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаш арафасида Ватан учун, миллат учун жонини ҳам, молини ҳам аямаган, фидо қилган қаҳрамонларнинг қадр-қимматини ўрнига қўйиш ҳар жиҳатдан катта аҳамиятга моликдир. Умуман олганда, ҳозир Ўзбекистон халқлари тарихини ҳолисона ўрганиб, унинг бой воқеа-ҳодисаларини МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТ МАВҚЕИДА ТУРИБ ёритиш, тадқиқ этиш ижтимоий фан намояндаларининг долзарб вазифаси бўлиб қолди.

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ФИДОЙИЛАРИ

СОВЕТ ҳокимияти йилларида Туркистоннинг мустақиллигини тиклашга қаратилган дастлабки кураш «Қўқон мухторияти» (тўғрироғи — «Туркистон мухторияти»)нинг ташкил топишида ўз ифодасини топди. Бу мухторият аввало февраль буржуа демократик инқилобидан кейин юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг маҳсули бўлган эди. Чор ҳукуматининг ағдарилиши ўлкада мустамлакачилик сиёсатининг ва миллий зулмнинг заминини қақшатиб, миллий-озодлик туйғуларининг кучайишига олиб келди. Ўлкадаги халқлар, айниқса, туб аҳолининг сиёсий онгида ва курашида кескин ўзгаришлар содир бўлиб, «Шўрои Исломия», «Уламо» ва «Олаш Ўрда» сингари партиялар ташкил топди. Ўлкада мухторият ғояси ҳаётнинг талаби бўлиб қолди. 1917 йилнинг сентябрида Тошкентда «Уламо» партиясининг ташаббуси билан ўтказилган қурултойда Туркистон мухториятини таъсис этиш ҳақида бир оғиздан қарор қабул қилинди. Бу қурултой ҳужжатларида Туркистон халқларининг ўз ихтиёри билан иш кўришга ҳақли бўлиши, молия, адлия, бошқарувда, маориф ва бошқа соҳаларда мустақилликнинг ўрнатилиши ҳамда матбуот эркинлигининг таъминланиши сингари муҳим масалалар ўз ифодасини топди. Қурултойда Муҳаммад Хожа Эшон ва Мулла Содиқ Хожа Эшон сингари ватанпарварлар маърузалар билан чиққан эдилар.

Мухториятни тузиш ғояси Октябрь тўнтаришидан кейин кенг қулоч ёйиб, бутун ўлкани қамраб олди. Бунда, айниқса, Ленининг барча мусулмон аҳолисига тенглик, озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаб, ажралиб чиқиш ҳуқуқлари берилганлиги ҳақидаги мурожаати муҳим ўрин эгаллади. Шу асосда 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида «Шўрои Исломия», «Уламо» ва «Олаш Ўрда» партиялари халқ оммасининг истакларини ифода этиб, 4-ўлка мусулмонлари фавқулодда съездини ўтказди. Съездда Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Каспий орти вилоятларидан икки юздан ортиқ делегатлар қатнашди. Шунингдек, яҳудий ташкилотларидан вакиллар ҳам бор эди. Съездда Муҳаммад (Маҳмуд) Хўжа Беҳбудий съезд ҳайъатига номусулмон вакилларини ҳам киритишни таклиф этди. Съезд делегатларидан бири бу масалага тўхталиб шундай деди: «Ҳайъатга сайлов вилоятлар ва алоҳида диний ҳамда миллий гуруҳлар бўйича эмас, балки, билимдон, зукко ва ишбилармонлигига кўра ўтказилиши керак».

Съездда Туркистон автоном ҳукумати тузилиб, «Олаш Ўрда» раҳбари Муҳаммаджон Тиниш-поев унга бошлиқ қилиб сайланди. Бироқ, кўп ўтмай, ҳукумат раислигига «Шўрои Исломия» партиясининг раҳбари Мустафо Чўқаев тайинланди. Ҳукумат таркибига 54 киши киритилиб, Ислом Шоаҳмад ўғли молия нозири, Маҳмуд ўғли адлия нозири, Потяляхев — озиқ-овқат нозири, Мустафо Чўқаев айни бир вақтда ташқи ишлар нозири, Убайдуллахўжа ҳарбий нозир этиб сайланди. Полковник М. Чанишев бош қўмондон, Саидносир Миржалил эса, хазиначи лавозимини эгаллади.

Бу ерда шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Туркистон мухторияти бошқарув кенгашига 54 ўриндан 18, яъни учдан бир ўрин ўлкадаги овруполик миллатлар ташкилоти вакилларига ажратилди. Шу тарзда Мухторият аъзолари демократик ва умумманфаат асосида сайланган эди. Қўқон (ёки Туркистон) мухториятининг тузилиши ва унинг атрофига большевикларнинг зўравонлигидан норози бўлган рус оқ гвардиячиларининг, рус капиталистларининг ва бошқа оппозиция кучларининг бирлашиши бежиз бўлмаган, албатта. Бунинг сабабларини ҳали ўрганиш керак. Туркистон мухторияти қўл остида ҳарбий куч ва маблағ бўлмаслиги орқасида ҳар жиҳатдан яхши уюштирилган ва қуролланган Қизил Армияга бас келишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шу боисдан Мухторият раҳбарияти рус оқ гвардиячилари ва капиталистлари ҳамда хорижий мамлакатлар кўмагида мақсадга эришиш мумкинлигини яхши англаган эди. Улар ўзларининг қийин аҳволини ҳисобга олган ҳолда бўлажак, большевиклар-сиз барпо этиладиган Россия давлатининг таркибида Туркистон мухториятини ташкил этишни режалаштирганлар. Бу ўша вақтдаги шароитда жуда тўғри қилинган иш эди.

МУХТОРИЯТ ҳукумати сиртдан қараганда мухторият (автономия) шаклида ягона Туркистон давлатини тузишни мўлжаллаган эди. Лекин амалда мустақилликни таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бу ҳақда Мухторият ҳукуматининг халқ оммасига йўллаган мурожаати гувоҳлик беради. Бу Туркистоннинг барча фуқаролари — мусулмон, рус, яҳудий, ишчи, аскар, деҳқонларга қаратилган чақириқда бундай дейилган эди: «Ўлкада яшовчи барча қабила ва халқлар, шаҳар ва земства кенгашлари, сиёсий, жамоат, касаба ташкилотлари ва уюшмалар, барча давлат, жамоат хусусий муассасаларини Туркистон халқ ҳокимияти атрофлича жипслашишга ва унга юкланган оғир вазифаларни ҳаётга тадбиқ қилмоқ учун етарли ёрдам беришга чақирди. Шундай вақт келдики, энди кишанлардан қутилган Туркистон ўз ерининг эгаси бўлади ва ўз тарихини ўзи яратади. Олдимизда турган вазифаларнинг жиддийлиги ва улуғворлигини англаб, ишимизнинг ҳақлигига чуқур ишонган ҳолда биз бу меҳнатларимизга Оллоҳнинг раҳмати ёйилишини тилаймиз ва ишга киришамиз». Қўриниб турибдики, Мухторият ҳукумати миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар ўлкадаги барча мазлум халқларни демократик асосда мустақилликка эришишларига даъват этган.

Туркистон мухториятини ўлка аҳли тўла ёқлади. Бу ҳақда 1917 йил декабрида Тошкентда икки маротаба ўтказилган умумхалқ йиғини ҳам далолат беради. 6 декабрдаги Эски Жўвадаги Беклар беги мадрасасидаги йиғинда Мунаввар Қори, Мулла Одил Муфти, Саид Ғанихон, Шерали, Лапин, Пирмуҳаммад Аълам нутқ сўзладилар. Шунингдек, ўзбек ишчилари, касб ҳунармандларидан 15 киши сўзга чиқди. Бу ерда 13 декабрда Ҳайит кунида катта намойиш ўтказишга келишилди. Шу куни қизил аскарлар халқ намойишини ўққа тутдилар. Бир неча киши қамоққа олинди. Ўша йилнинг 26 декабрида Қўқонда мусулмон ишчи ва аскар вакилларининг 1 фавқулодда съездида «Қўқон (Туркистон) мухторияти»ни ёқловчи қарор қабул қилинди.

Хуллас, Туркистон мухториятининг тарафдорлари кундан-кунга кўпайиб, мустаҳкамланиб бориши большевикларнинг ҳукмронлигига қарши хавф туғдирди. Шунинг учун большевиклар қандай бўлмасин уни тезроқ йўқотиш пайига тушди. 1918 йилнинг 18 дан 19 февралига ўтар кечаси Қизил Армия Қўқонга ҳужумга ўтиб, Мухториятни тор-мор қилиб, сўнгра унинг раҳбарларидан М. Мираҳмедов, А. Ўрозаев, Я. Агиев, М. Чанишев, Қушбегиев ва бошқаларни отиб ташлади.

«Қўқон (Туркистон) мухторияти» маълум тарихий шароитнинг маҳсули бўлиб, бир неча ожизликларга эга (масалан, давлатни шариат асосида қуриш ғояси). Аммо унда миллий мустақиллик ғояси устун туради, ва Туркистон колониал шароитида катта ижобий аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун Туркистон меҳнаткашлари Қўқон мухториятини қўллаб-қувватладилар.

Хулоса шуки, ғўдаклигида парчаланиб ташланган Туркистон мухторияти гарчанд мағлубиятга учратилган бўлса-да, лекин у Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун олиб борилган кураш тарихида муҳим ўрин эгаллайди.

ЭНДИЛИКДА Ватанимиз ва халқимиз учун ўзини қурбон қилган Мухторият раҳбарларининг номларини абадийлаштиришимиз муқаддас бурчдир. Улар қуйидаги шахслардир:

МУСТАФО ЧЎҚАЕВ. У 1897 йилнинг 17 январида Оқ мачит (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳрида дунёга келди. Бошланғич маълумотни ўз она юртида олиб, сўнгра Тошкент шаҳрида ўқишни аъло баҳолар билан тугатди. Шундан кейин у Петербург университетининг ҳуқуқ куллиётини битирди, ақл-идрокли ва ватанпарвар киши сифатида танилди. Ҳатто у Россия парламенти мусулмон фракцияси қошидаги бюрода Туркистон вакили сифатида ишлади.

М. Чўқаев февраль инқилобидан кейин Тошкентга сиёсий вазият кескинлашган вақтда келиб, Ватан манфаатлари учун хизмат қилади. У ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ва жўшқин сиёсий фаолияти туфайли Қўқон мухториятининг ҳукумати бошлиғи этиб сайланди. Қизил Армия ғалабасидан кейин у 1918 йил ўрталарида Ватанидан чиқиб кетиб, Тифлисда, сўнгра Париж ва Берлин шаҳарларида яшайди. У Туркияда ҳам кўп маротаба бўлган. Мустафо Чўқаев мусофирликда ҳам Туркистон тарихи, миллий-озодлик ҳаракатлари бўйича нодир асарлар яратди. Бу асарлар инглиз, француз ва поляк тилларида ҳам чоп этилди.

Туркистоннинг содиқ фарзанди Мустафо Чўқаев 1941 йилнинг охирида вафот этди. У ўзининг бутун умрини, билимини Ватанининг мустақиллиги ва равнақи учун бағишлади.

XX асрнинг бошида Туркистон халқларининг маданий тарихида катта роль ўйнаб, «Қўқон мухторияти» каби ҳаракатни ғоявий жиҳатдан тайёрлаган кишилар бор. Улар ғоявий фаолиятнинг роли сиёсий арбобларнинг ролидан ҳам ортиқроқдир.

Уларнинг бири МУҲАММАД ХЎЖА БЕҲБУДИЙдир. Беҳбудий Самарқандда, умуман, Зараф шон водийсида маърифатпарварлар ҳаракатини — жадидизмни бошлаб берди. У биринчи бўлиб «Ойна» журналини чиқариб, Туркистон халқлари орасида журналистикага асос солди ва шу журнал атрофига мамлакатнинг тараққийпарвар кишиларини йиғди. Беҳбудий ўзбек тилида биринчи драма асари — «Падаркуш»ни ёзди, ўзбек драматургиясини бошлаб берди. Катта диний олим Беҳбудий мусулмон олами тарихидан бир неча китоблар ёзди. У Биринчи Думада ерли халқлардан депутат қилиб сайланди. Советларнинг съездларида депутат тариқасида фаол иштирок этди. Маҳаллий большевикларнинг шовинизм руҳидаги сиёсатидан норози Беҳбудий Қўқон мухторияти тор-мор қилинганидан кейин Ленин билан учрашиш мақсадида йўлга чиққанида Бухоро амири қўлига тушиб сўйиб ташланди (Оренбург йўли бу вақтда оқ гвардячилар қўлида бўлгани учун Беҳбудий Каспий денгизи орқали Москвага етмоқчи бўлган эди).

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ. Тошкентда жадидларнинг етакчиси. Янги мактаблар очди, улар учун дарсликлар ёзди. Ўрта Осиё университетининг ташкилотчиларидан бири бўлди. Туркистонда большевизмга қарши, миллий мустақиллик учун кураш мақсадида «Миллий иттиҳод» партиясини тузди. 1926 йилда ўз партиясини тугатиб, Совет ҳокимияти хизматига кириб, маърифатпарварликни давом эттирди. 1929 йилда «Миллий иттиҳод» партияси устидан бўлган суд жараёни якунида отиб ташланди.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ. Маърифатпарвар шоир ва педагог. Октябрь революциясидан аввал жадидизм ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Бир неча дарсликликлар яратган.

ЧЎЛПОН (АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОНОВ). Октябрь инқилобидан аввал жадидизм арбобларидан. Шоир, драматург, носир ва таржимон сифатида ўзбек маданиятига катта ҳисса қўшган. 30-йиллар охирида халқ душмани, деб эълон этилган ва отилган.

ФИТРАТ (АБДУРАУФ АБДУРАҲИМ ЎҒЛИ). Октябрь инқилобидан аввал жадидизм ҳаракатининг йирик арбобларидан бири. Феодал зулмига қарши «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи» каби асарлар ёзган. Инқилобдан кейин буюк олим, драматург ва шоир сифатида танилган. Катта педагогик иш олиб борган. 30-йиллар охирида отилган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ. Октябрь инқилобидан аввал Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори таъсирида шеър, ҳикоя ва пьесалар ёзган. Инқилобдан сўнг ўзбек сатирик матбуотига («Муштум»га) асос солган. Буюк ўзбек адиби. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»нинг, бир қанча қисса, ҳикоя ва фельетонларнинг муаллифи. 30-йиллар охирида халқ душмани деб эълон этилган ва отилган.

САДРИДДИН АЙНИЙ — жадидизм ҳаракатининг йирик намояндаси. Бухоро амири томонидан жазоланган. Йирик олим ва фан ташкилотчиси (Совет даврида), Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Тожикистон фанлар академиясининг биринчи президенти. моҳир адиб...

Шундай қилиб, жадидлар колониал даврда халқнинг янги, инқилобий онги шаклланишида катта роль ўйнаганлар, «Қўқон (Туркистон) мухторияти»ни ғоявий жиҳатдан тайёрлаганлар ва Октябрдан кейинги даврда Туркистон халқларининг янгича маданиятига асос солганлар.

Юқорида айтилганлардан асосий хулоса: жадидизм мафкураси Туркистон халқларининг ХХ аср бошида ижтимоий фикр соҳасида эришилган юқори босқичи сифатида баҳоланиши, шунга яраша ўқув ва тарғибот ишларида доимий мавзу бўлиши, мамлакатимиз ва халқимиз тарихида мустақиллик учун курашга бағишланган обидаларда муносиб ўрин эгаллаши керак.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси академиги.

И. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.

Ҳ. ЗИЕЕВ,
тарих фанлари доктори.

Ҳ. ВОҲИДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

КИМНИНГ ХИЗМАТИ АФЗАЛ?

• *АКС-САДО* «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 1992 ЙИЛ 16 ИЮЛЬ

● Юқоридаги сарлавҳали мақолада муаллиф алоқа хизмати тармоқларида вужудга келган танг аҳвол, иқтисодий қийинчиликларга тўхталган. Хусусан, нафақа тарқатиш муаммолари ни айтиб, унинг юзага келиш бош сабабчиси Ижтимоий таъминот вазирлигидир, деган хулосага келади.

Мақола босилиб чиққандан сўнг таҳририятга Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия ва нафақалар Бош бошқармаси бошлиғи А. АКБАРОВ ташриф буюрди. У ҳақиқий аҳволни қуйидагича шарҳлаб берди:

— Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиёти ҳаммамизнинг олдимизга кўплаб муаммо ва мушкул масалаларни қўйяпти. Бу ўз навбатида ижтимоий таъминот тизимининг тармоқларига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Чунки, ижтимоий таъминот соҳасида амалга ошириладиган барча тадбирлар давлат бюджетидан бўлиб, унга қарамдир.

Бир қатор идора, муассаса ва корхоналар монопол равишда нарх-наволарни бир неча маротаба кўтариб, ўзларининг иқтисодий аҳволларини яхшиламоқчи бўлаяптилар.

Жумладан, Алоқа вазирлиги бозор иқтисодиётига ўтиш баҳонасида 1990 йилнинг декабрь ойида биз билан келишмаган ҳолда пенсия ва нафақалар тарқатиш хизмати ҳақини икки баробар, яъни 4, 15 фоизгача ошириб. Пенсия миқдорлари ошганлиги сабабли алоқа тармоқларига тўланаётган ҳақ 1991 йилда 3,5 баробар ошди. Қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, 1992 йилда бу ҳақ 20—22 баробар кўтарилиб кетмоқда.

Тўғри, иқтисодий аҳволни яхшилаш керак. Аммо муаммони бошқалар ҳисобига ечиш нотўғри, деб ўйлаймиз. Фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш — нархнаволарни ошириш эмас, балки ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, иш унумдорлигини кўтарган ҳолда фойдани оширишдир. Бунинг учун одилона рақобат вазиятини яратиш лозим.

Пенсия ислоҳоти Пенсия жамғармасини тузиш ва пенсия ва нафақаларни тўлаш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатларни шу жамғарма ҳисобига ўтказишни тақозо этади. Яъни, тўлов ҳужжатларини тайёрлаш ва пулларни тарқатиш билан боғлиқ барча харажатлар пенсия ва нафақалар учун жамғарилган пулдан қопланиши лозим.

Жамғарилаётган пуллар пенсия ва нафақаларни тўлаш учун маблағ етмаётганлиги сабабли жумҳурият бюджетидан қарз олинаётган бир вазиятда Алоқа вазирлиги хизмат ҳақини бир неча маротаба ошириши тармоқнинг оғир вазиятга тушишига олиб келмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларга қараганда, пенсия ва нафақаларни етказиб бериш билан боғлиқ хизмат ҳақини илгари белгиланганидан, яъни тарқатилган миқдорнинг 2,4 фоизидан ҳам камроқ қилиб белгилаш мумкин.

Бу ҳисоб-китоблар ва хизмат ҳақини оширмаслик тўғрисидаги таклифлар ўз вақтида Алоқа вазирлигига етказилган эди. Лекин вазирлик инобатга олгани йўқ. Шундан сўнг, биз ўз кучимиз билан кичик давлат корхоналари воситасида пенсия ва нафақаларни тарқатишни лозим топдик.

Бугунги кунда республикамиз бўйича ўнта пенсия ва нафақа тарқатиш кичик корхоналари тажриба йўсинда ишлаб турибди. Улар мустақил равишда фаолият кўрсатиб, ижтимоий таъминот тизимлари билан тузилган шартнома асосида иш олиб бораётир.

Кичик корхоналар фаолиятининг дастлабки тажрибаси шуни кўрсатадики, уларнинг иш унумдорлиги алоқа корхоналариникидан тўрт баробар юқори, пенсия ва нафақаларни тарқатишга кетаётган харажатлар икки баробар, ҳар хил сабабларга кўра ўз вақтида пенсия ололмай қолган пенсионерлар сони эса, уч баробар камайди. Энг муҳими, пенсионерлар ва ижтимоий таъминот бўлимлари ўртасидаги алоқа мустаҳкамланди, пенсия ва нафақаларни ололмадим, деган шикоятларга чек қўйилди.

Яна шу нарсани айтиб ўтмоқчимизки, ижтимоий ҳимоя ва рақобатчилик мутлақо бошқа-бошқа масалалардир. Яъни ижтимоий ҳимоя тариқасида сифатли ва арзон хизматдан воз кечиб, қимматроқ хизмат кўрсатувчи корхонани ҳимоялаш, улар билан ишлашни фақатгина давлат мулкини талон-торож қилиш, деб тушуниш мумкин. Қолаверса, кичик корхоналар очилаётган вақтда алоқачилар у ерда ишлашга таклиф қилинган.

Қўшни жумҳуриятлар — Украина, Беларусь, Қозоғистон ва бошқа республикаларда ҳам пенсияларни тарқатишда алоқа тармоқларининг хизматларидан воз кечиб, кичик корхоналар тузилмоқда.

Кичик корхоналарнинг очилиши ва уларнинг почта тармоқлари билан рақобат қила олиши натижасида Алоқа вазирлиги хизмат ҳақини 4, 15 фоиздан 3 фоизгача туширишга мажбур бўлди. Аммо бундай ҳақ ҳам бизларни қизиқтира олмайди. Фикримизча бу ҳақ 1,5—2 фоиз атрофида бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, кичик корхоналар ташкил қилишдан мақсад пенсияларни ўз вақтида ва кам харажатлар билан эгаларига етказиб бериш ҳамда уларнинг талаб ва истакларини ўрганиб ҳал қилишдан иборатдир.

● ГАЗЕТА БАҲСГА ЧОРЛАЙДИ

Иштихон районидаги Шариф Одилов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Шерали Ёдгоров бошлиқ бригада аъзолари ҳосилдорликни 30 центнерга етказишмоқчи. Исматилла Исоқулов бошлиқ оилавий звено эса ҳосилдорликни 40 центнердан оширмоқчи.

СУРАТЛАРДА: 1. Ш. Ёдгоров бошлиқ бригада аъзоларидан Асал ва Меҳринисо Умаровалар. 2. Оилавий звено бошлиғи И. Исоқулов.

К. ТУРСУНОВ олган суратлар.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Нишон район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш савдо бирлашмаси жамоаси чўлқуварлар дастурхонининг деҳқончилик маҳсулотлари билан тўкин қилиш учун маҳсулотни қайта ишлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бирлашманинг қайта ишлаш цехида ҳозиргача 250 минг шартли банка мева шартаблари, ўрик, гилос, тоғолча, нок ва олма мурабболари тайёрланди.

Айни пайтда қўриқ хўжаликлардан сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам қабул қилиниб, қайта ишланяпти.

Тайёрловчилар бу йил саккиз минг тонна сабзавот ва беш минг тонна полиз маҳсулотлари ғамлашни мўлжаллашган. Бу маҳсулотлар йил давомида матлубот жамиятларига қарашли дўконларда сотилади.

— Энг муҳими биз маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўя олдик, — дейди бирлашма уюшмаси раиси Ашуров. — Сархил мевалардан тайёрланган консерваларимиз харидоргир. Мураббо ва шиннилар пештахталарда туриб қолмаяпти. Шуни ҳисобга олиб бу йил 1 миллион шартли банка консервалари ишлаб чиқарамиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• МУСТАҚИЛЛИК ИШЧАНЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

◆ Шартнома шартлари бузилмоқда
◆ Замонавий технология зарур
◆ Режали иш— келтирмас ташвиш
◆ Оқ мармарми, бозори чаққон!

Нуротанинг сержило, кўкимтир, фил суягига ўхшаш сарғиш мармарини бутун жаҳон билади. Бу мармар доврўғи аллақачон дунё бозорига қадар етиб борган. Шундан бўлса керак, бу сержило мармарнинг харидори кўп, бозори эса чаққон.

Бироқ биз бугун қорақўлчилар, саноатчилар диёри — Нуротанинг бошқача мармари хусусида тўхталмоқчимиз. Бу — Ғозғон мармаридан тубдан фарқ қиладиган, пишиқлиги, кўркамлиги билан ажралиб турадиган оқ мармардир. Ушбу мармарнинг улуғворлиги унинг оппоқ товланиши ва ниҳоятда силлиқлигидир. Агар, Ғозғон мармари қайта ишланиб, деворбоп ёки нақшинкор плиталар тарзида терилса, қуроқ кўрпачага ўхшаб қолади. Натижада узвий ва безакбоп жило йўқолади. Оқ мармар бўлса ҳар қанча майдаламанг, ҳар қанча баланд қилиб терманг, уланганини асло пайқамайсиз. У бир хил — оқ товланиб туравераді. Шундан бўлса керак, у оқ мармар, оқиш мармар, деб аталади.

Бизнингча, худди шу афзалликлари эвазига унинг бозори чаққон, харидори кўп. Оқ мармар улуғворлиги, пишиқлиги, силлиқлиги боис мустақил Ўзбекистонимизнинг қатор объектлари, нақшинкор саройларини безаб турибди. Бунга мисол тариқасида жумҳуриятимиз пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройини, «Наврўз» комплексини, Тошкент метросини кўрсатиш мумкин. Мустақиллик майдонидаги бунёдкорлик ишлари ҳам айтарли шу оқ мармардан сайқал топиши, режалаштириляпти. Нафақат республикамиз, балки Ҳамдўстлик давлатларининг қатор шаҳар, район марказларидаги қурилиш ва пардозлаш ишлари ҳам оқ мармардан фойдаланиб пардозланяпти.

Хуллас, ҳозир қадим Нуротанинг ғарбида Ғозғон мармар корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, жанубида оқ мармар ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулот бераяпти. Мазкур мармар заҳирасига эътибор қиладиган бўлсак унинг конлари Нурота—Оқтоғ тизмаларидан бошланиб, то Лангар қадар чўзилади. Бу дегани қимматли маҳсулот манбаи заҳираси икки асрга етгуликдир.

Бу ердаги оқ мармарни қазиб ёки чуқур ковлаб олишга ҳожат йўқ. Мармар ҳарсанглари асосан қоялардан кесиб олинади.

1970 йилда оқ мармар конлари топилиб, ундан фойдаланиш ишлари бошланганди. 1990 йилга қадар мазкур корхона Ғозғон мармар ишлаб чиқариш корхонаси таарруфида эди. Оқ мармарга талаб ва эҳтиёж кўпавергач, мана икки йилдирки, у мустақил корхона тарзида фаолияти кўрсатаяпти.

Дастлабки йили корхона жамоаси атиги 3,5 минг куб метр миқдорида мармар ишлаб чиқарган бўлса, 1991 йилда жами 8 минг куб метр мармар блоклар тайёрланди. Бу йилги марра эса 10 минг куб метр. Бундан ташқари 60 минг тонна мармар ушоғи ҳамда кўплаб карьер чиқитлари, маҳаллий қурилиш материаллари ва деворбоп безакли тошлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу — жами 12 миллион сўмлик маҳсулот демакдир.

Ҳозир аҳвол қалай? Ўтган ойда асосий кўрсаткичлар бўйича режалар ошиғи билан бажарилди.

Бу ўринда корхонада самарали меҳнат қилаётган 250 нафар тош кесувчи ва пармаловчилар, тажрибали муҳандис ва экскаваторчиларнинг ғайрат-шижоати эъзозга сазовор. Айниқса Аҳад Расулов, Қурбон Раҳимов, Зокир Ғаффоров, Ўроқ Рустамов, Раҳим Субҳонов, Баҳриддин Нажмиддинов сингари мармарсозлар ишидан ҳамма мамнун.

— Бозор муносабатлари, қолаверса муттасил ошаётган нарх-наво бошқа корхоналар сингари бизнинг мармар кони ишчиларини ҳам бирмунча саросимага солиб қўйди, — дейди корхона директори Шоди Фозилов. — Чунки ҳар ойда ўртача 2200-2500 сўм атрофида олинаётган маошни 3,5-4 минг сўмга чиқарайлик десак, қўл калталик қилаяпти. Бултур кўрган салкам 4 миллион сўмлиқ фойдамиз ярим йилдаёқ тугади ҳисоб. Бунинг устига шу фойдадан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари барпо этиш, замонавий техника ва технология сотиб олишда ҳам фойдаландик. Қарабсизки, бу фойданинг таги кўриниб қолди. Энди бўлса...

Дарҳақиқат, бу жамоа учун эндиликда 4-5 миллион сўмлик соф фойда денгиздан томчи, холос. Корхона ишчиларини тўла ижтимоий ҳимоялаш учун йилига камида 10-15 миллионлаб даромад зарур. Бироқ имконият, маҳсулот етарли бўла туриб, бозор иқтисодиёти бунга йўл бермаяпти.

Хўш, нега? Маҳсулот харидоргир бўлса, мармар бозори чаққон бўлиб, шартномачи кўпайса-ю даромад буромадни қопламаса?

Ҳа, ҳамма гап шунда-да! Ҳозир нима қиммат — транспорт ҳаражати қиммат. Бунинг устига ёнилғи ва мойлаш материалларини, эҳтиёт қисмларни айтмайсизми? Масалан, битта «КамАЗ» ёки «КрАЗ» автомашинасининг Навоийдан Нуротага бир маротаба келиб-кетиши ҳаражати 1,5-2 минг сўмга тушаркан. Бироқ у шунча маблағ билан кондан битта ёҳуд иккита харсанг тош олиб кетади, холос. Хўш, бу тошни Тошкентгача бўлган масофага етказишга кетадиган темир йўл хизмати-чи? Ҳозир темир йўл хизмати харажатлари 78 баробар ошди. Масалан, 1 тонна мармар ушоғи тахминан 100 сўм атрофида баҳоланса, уни поезд билан Тошкентга етказгунча 700 сўм, Москвагача эса 2200 сўмга боради. Ахир, бир тонна маҳсулот 22-25 баравар қимматлашгач, ким ҳам уни харид қилсин?

Уловидан тушови қимматлиги сабаб кўплаб шартномачилар шартларни бузишяпти. Айниқса, Россиянинг ўнлаб шаҳарларидаги у ёки бу ташкилотлар Нуротадан мармар олишни тўхтатишди.

Масаланинг яна бир чигал томони худди шу мармар конларининг ўзида қайта ишлаш саноатининг йўқлигидир. Қани энди қазиб ёки кесиб олинган мармар тошлар шу ернинг ўзида қайта ишланса-ю, у буюртмачига тўппа-тўғри етказиб берилса? Ахир, бундан икки ёқлама наф кўриш мумкин-ку!

Ҳозирги кунда Нурота оқ мармари асосан Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрига, Тошкент мармар заводига ҳамда гултувақ, турли кўзачалар ишлаб чиқарадиган республика мармар тажриба корхонасига етказиб берилади. Биласизми, бу орадаги транспорт ҳаражатлари қанча бўлади? Шартномачиларни ташвишлантираётган, корхона иқтисодиётини издан чиқараётган бирдан-бир муаммо ҳам худди шу — қўшимча ҳаражат масаласидир.

Ана шу чигал муаммо сабаб ҳозир жумҳуриятимиздаги мармарни қайта ишлаш корхоналарида ўн, юз минг куб метрлаб силлиқланган мармар плиталар туриб қолмоқда. Бу эса мармарсозларни, кончиларни ташвишлантирмоқда. иқтисодий жиҳатдан қийнамоқда.

Шундай экан, қайта ишлаш саноатини мармар конларининг ўзида ташкил этиш, тайёр маҳсулотни эса шу ернинг ўзидан харидоргга етказиб бериш вақти келди. Агар конларнинг ўзида бежирим, ўта силлиқ, нақшинкор мармар буюмлар ишлаб чиқарилса борми, учтўрт томонлама ютиш мумкин. Бу, биринчидан, иқтисодий самара берса, иккинчидан, аҳолининг ишга жойлашишига имкон яратилади, учинчидан эса «бор отанга—бор онанга» қабилидаги ўзи бўларчиликлар хотима топарди.

Биз Нурота оқ мармари заҳирасини 1,5-2 асрга етгулик, дедик. Шундай экан, нега энди шу мармар конининг ўзида замонавий технологияга эга бўлан қайта ишлаш корхонаси қурмаймиз? Бу ўринда Навоий вилояти ҳокимлигидаги ҳамда Вазирлар Маҳкамасидаги масъул ўртоқлар жиддий бош қотиришлари лозим. Акс ҳолда нафақат Нурота мармар корхонаси, балки республикадаги бошқа мармар ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам иқтисодиёти чўкаверади.

Бугунги бозор муносабатлари, эркин нархлар, мавжуд имкониятлар ҳақида чуқур ўйлаб, астойдил ҳаракат қилиш лозим.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЛОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ

ЁКИ РЕСПУБЛИКА МАРМАР КОНЛАРИ ЭҲТИЁЖИНИ САРҲИСОБ ҚИЛИБ, ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИШ ЗАРУРАТИ ҲАҚИДА

Биринчи қўнғироқ яқин

МУСТАҚИЛЛИК КУНИГАЧА

● Кейинги йилларда Беруний райони ҳокимлиги мактаб қурилишига алоҳида эътибор бермоқда.

Раҳбарлар кўмагига суянган район халқ таълими бўлими, давлат ва жамоа хўжаликлари нарх-навонинг қимматлашиб кетаётганлиги, ғишт, цемент, ёғоч, тахта, ҳар хил бўёқлар етишмаслигига қарамай капитал қурилиш ишларини тезлаштиришмоқда. Ҳозирги кунда ҳар бири 392-834 ўринли Ал-Хоразмий номли, Муқимий номли, Мичурин номли, Чехов номли ўрта мактаблар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Бу билим масканларининг қурилишини илгари битказиб, топшириш учун кўчма механизациялашган колонналар қурувчилари, муҳандис-техниклари ўз кучларини аямаяптилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР*

БУХОРО

«ДЎСТЛИК»— БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР БИЛАН АЛОҚАДА

● ҚАДИМИЙ Бухоронинг «Тоқи телпакфурушон» растаси қаторига яна бир магазин қўшилди. Унга «Дўстлик» номи ҳам бекорга қўйилмаган.

Магазин Бухоро билан биродарлашган шаҳарлардан келтирилган буюмлар билан савдо қилади. Бундай шаҳарлар сони эса кейинги йилларда анча кўпайди. Америка Қўшма Штатларининг Санта-Фе, Испаниянинг Кордова, Хитой Халқ Республикасининг Цицика, Россия Федерациясининг Братск, Тожикистоннинг Ҳўжанд, Туркманистоннинг Чоржўй шаҳарлари шулар жумласидандир. Яқинда булар қаторига яна бир хорижий шаҳар қўшилди. Бу Туркиянинг Измир шаҳридир. Табийки, «Дўстлик» магазинида товарлар ҳам шуни яраша ранг-баранг бўлади.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

● РОМИТАН районидаги «Нурафшон» жамоа хўжалиги вилоятдаги савдо корхоналарига сопол идишлар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди. Бундай буюмлар хўжалик ҳузуридаги кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхонада тайёрланади.

Кичик корхона нафақат сопол буюмлар, балки кийим-кечак, шу жумладан катталар ва болалар учун иссиқ пўстинлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди. Корхонанинг дурадгорлик цехида бадиий безатилган рўзғорбоп буюмлар тайёрланмоқда. Электр тегирмон эса хўжалик аъзолари томорқасида етиштирилган донни янчиб бермоқда.

Ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш туфайли нурафшонликлар ҳам колхоз аъзоларини иш билан таъмин этишмоқда. Миллий ҳунармандчилик қайта тикланиб, аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжи қондирилмоқда.

«ДЕЛЬФИН»ДА БОЛАЛАР ҒУЖҒОН

● «УЗБЕКБУРГАЗ» трестининг шаҳардаги қурилиш-монтаж бошқармаси қоровулбозорлик болаларни яхши совға билан қувонтирди.

Шаҳарда «Дельфин» деб аталган сузиш ҳовузи, унинг ёнидаги ўйин майдончалари, дам олиш майдонлари билан фойдаланишга топширилди. Х. Ражабов прораблик қилаётган бўлимма бинокорлари дам олиш маскани белгиланганидан ярим йил илгари ишга туширишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Илк бор байрам қиламиз
Мустақиллик тўйини.
Дастурларда ҳатто бор
Ёғоч оёқ ўйини.

Бўш келмагин, йигитча,
Халқ ижодин кўз-кўз қил.
Ахир, унинг тарихи
Бир йил эмас, юз-юз йил!
Юсуф АЛИ.

Суратқаш С. МАҲКАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1992 йил 15 августдан республика ҳудудида сўмга нисбатан чет эл валютасининг қуйидаги курси ўрнатилганлигини хабар қилади:

1 Австралия доллари	104 сўм 45 тийин
1 Австрия шиллинги	14 сўм 06 тийин
1 Англия фунт стерлинги	279 сўм 20 тийин
10 Бельгия франки	48 сўм 04 тийин
1 немис маркаси	98 сўм 96 тийин
1 голланд гульденги	87 сўм 77 тийин
1 Дания крони	25 сўм 69 тийин
100 Италия лираси	13 сўм 05 тийин
1 Канада доллари	76 сўм 77 тийин
1 Норвегия крони	25 сўм 11 тийин
1 АҚШ доллари	145 сўм 00 тийин
1 Финляндия маркаси	36 сўм 10 тийин
1 француз франки	29 сўм 20 тийин
1 швед крони	27 сўм 22 тийин
1 Швейцария франки	109 сўм 68 тийин
10 Япония иени	11 сўм 39 тийин
1 ЭКЮ	201 сўм 41 тийин
10 испан песети	15 сўм 47 тийин
10 Греция драхми	8 сўм 00 тийин
1 Ирландия фунти	262 сўм 67 тийин
1 Исландия крони	2 сўм 74 тийин
1 Қувайт динори	497 сўм 94 тийин
10 Ливан фунти	0 сўм 53 тийин
10 Португалия эскудоси	11 сўм 57 тийин
1 Сингапур доллари	90 сўм 08 тийин
10 Туркия лираси	0 сўм 21 тийин

МЕТАЛЛ УЧУН ҲИМОЯ «ҚЎЙЛАГИ»

Фарғона полимер материаллар илмий тадқиқот институти занглашга қарши локлар ва елимлар лабораториясининг бир гуруҳ илмий ходимлари қувурлар ва идишларнинг ташқи ва ички юзасини қоплашга мўлжалланган «ФР-744» маркали янги кимёвий чидамли полимер — фурил локини яратдилар.

Зангга қарши янги қоплама фуран смоласи — пахтани қайта ишлаш чиқитларини гидролиз қилишдан олинган маҳсулот асосида яратилган бўлиб, пишиқпухталиги, сув ўтказмаслиги, чўзилувчанлиги, кислота ва ишқорларнинг вайрон қилувчи таъсирига чидамлилиги билан ажралиб туради. Синаб кўрилганидан кейин янги лок саноат шароитида муваффақиятли қўлланилди.

(ЎзА мухбири).

● *ШАТРАНЖ*

АФСУНГАР ЭМАС, МЎЪЖИЗАКОР

ЕКИ ФИШЕР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Йигирма йил муқаддам Тошкентга ташриф буюрган москвалик таниқли спорт журналисти ва адиб Станислав Токарев камина билан уч-тўрт соат суҳбат қурган эди. Унинг сўнгги саволи:

— Шахмат оламининг сардорларидан қайси бирини энг юқори поғонага қўйган бўлардингиз?

Бошим қотиб қолди. Хаёлга ботганимни кўрган суҳбатдошим: «биламан, ҳар бир сардор ўз замонасининг илғори демоқчисиз. Яхшиси кўнглингиз тубидаги шахматчининг номини айтаверинг»..., деди.

— Шахсан менга қолса Роберт Фишер, деган бўлардим, — дедим. У ҳам шундай деб ёзиб қўяқолибди.

Жаҳон экс-чемпиони Василий Смислов ўз фикр-мулоҳазаларини шундай деб бошлайди:

— Замонамизнинг ҳеч бир шахматчиси ҳақида Роберт Фишер тўғрисидагидек кўп ёзишмаяпти, баҳслашмаяпти ва гапиришмаяпти... Ҳақиқатдан ҳам у шахмат тарихида ўзига хос иш қолдирди.

Яқиндан бери Фишер шахси, унинг бўлажак ўйинлари хусусида яна гапсўзлар бўлаётганидан хабардорсиз. Шу боис биз ҳам ўз билганларимизни муҳтарам ўқувчига етказишни лозим топдик.

Роберт Фишер болалигиданоқ ўз ҳаёт йўлини ёлғизликда бошлади. 1943 йилнинг 9 мартида Чикагода туғилди. Икки йилдан кейин отаонаси ажралишди. Отасининг Олмониядан Америкага кетиб қолгани, ихтисоси бўйича физик эканлиги маълум. Фишернинг онаси олдин ўқитувчилик қилган, 1949 йили эса болалари билан Нью-Йоркка кўчиб келиб, медицина ҳамшираси бўлиш учун ўқишга киради.

Ёш Боббининг тарбияси билан асосан 5 ёш катта опаси Жоан шуғулланади Олти яшар болани шахматга ўргатган ҳам опаси бўлади. Бобби шахматга бирдан шундай қизиқиб кетдики, бошқа ҳамма ўйинлару эрмаклардан кўнгли қолади. Тез орада мактабдаги машғулотларга ҳам сира вақти қолмайди. Ўн бир яшарлигиданоқ у мусобақаларда қатнаша бошлайди, қаерда имконият бўлса ҳаммасида, ўсмирлар турнирларида, катталар орасида ўйнайверади, шахмат унинг ҳаётида энг муҳим нарса бўлиб қолади. Уни деб рус тилини ўрганди, чунки энг яхши шахматчилар шу тилда гаплашадилар ва ёзадилар. У туну кун шахмат журналлари, китобларидан ажрамайди. Бу ҳордиқсиз иш эди. Улкан шахмат кучига эга бўлиб, жаҳон биринчилигига асосий талабгорлардан бири даражасига кўтарилса ҳам Фишер аввалгидек ишлашни қўймайди.

Шахмат тахтасидан ташқарида Фишер учун бошқа дунё йўқ эди, вассалом. Уни шахматдан бўлак ҳеч нарса қизиқтирмасди. Бундай гирифторлик унга шахмат санъатининг энг чуқур яширин жойларига кириб бориш имконини берди. «Ўзининг узоқ давом этган шахмат амалиётида,—деб ёзган эди гроссмейстер А. Котов, — турли туман шахмат жангчиларини кўришга тўғри келди, лекин Фишерга ўхшаган бирон-бир кимсани эслаш унчалик осон эмас... Ундаги шахмат жанги жараёнига бўлган қизиқиш шунчалик зўрки, баъзан у қурбонгоҳ устидаги бир афсунгардек туюлади».

14 ёшида Бобби халқаро мастер, катталар ўртасида АҚШ чемпиони, яна бир йилдан сўнг шахмат тарихидаги энг ёш гроссмейстер бўлди.

Шу вақтдан бошлаб унинг бутун фикру ҳаёли жаҳон биринчилигини олишга қаратилди. У шахмат тахтига олиб борадиган йўл турнирлар орқали ўтишини биларди. У олдинига айтарли дабдабасиз, Мар-дель-Платада, Сантьяго, Цюрихда ўйнайди. 1959 йили тож талабгорлари турнирида у 5-6 ўринларни баҳам кўради. Бундай натижа ҳаммани қаноатлантира олса-да, лекин дабдабали ғалабаларни орзу қилаётган, бунинг устига ўзининг фавқулоддалигига комил ишончи Фишерни тинчлантиролмади.

Фишернинг шахматга нисбатан муносабати кейинги йилларда янада мураккаблашиб кетди. 1960 йилдан бошлаб то шахмат тожига эга бўлгунга қадар у бир қанча ғалабаларга эришади. Қатнашган 25 турнирдан 20 тасида у биринчи совринларни олди. Айни вақтда бир неча йил давомида у халқаро мусобақаларда умуман ўйнамади ҳам. Сусдаги зоналараро турнирда (1967 й) дадил пешқадамлик қила туриб, ногоҳ мусобақадан чиқиб кетди, чунки нимадир унга хуш келмади. Фишер икки йил йўқолиб кетди.

Салга ловуллаб кетиш, ўзига ортиқча бино қўйиш америкалик чемпион ҳулқ-атворининг ажралмас қисмидир бўлиб қолди. Лекин шахмат олами унинг шахматга чексиз муҳаббати, спортча муросасизлиги, ғалабага интилувчанлиги учун кўп қилиқларини кўриб-кўрмасликка олишга тайёр эди.

1971 йили Буэнос-Айресда тож талабгорлари финал матчида Фишер Петросянни 6,5:2,5 ҳисобида мағлуб этди. Жаҳон биринчилиги мусобақасининг саралаш тўсиқларидан муваффақиятли ўтгач, Фишер, 1972 йили шахмат тождори Б. Спасский билан матчда учрашди ва 7+3=11 ҳисобида уни енгиб чиқди. Афсуски, бу ўта машҳур шахматчи фаолиятидаги сўнгги улкан жанг бўлган эди. У ҳамма нарсадан ҳам ютқазишдан қўрқарди. Шунинг учун ҳам шахмат тахтини курашсиз тарк этди.

Фишер — фавқулодда мураккаб шахсдир. Шахматчи сифатида у энг юксак чўққиларга эришди. Тактикавий ва техникавий воситаларнинг бутун хазинасини мукаммал эгаллаган, позициявий ўйиннинг антиқа устаси Фишер шахматнинг спорт томонини янги босқичга кўтарди.

Шахсий учрашувларда «қўли куйган» номдор шахматчилар ёки Тайманову Ларсендек сара гроссмейстерларни 6:0 ҳисобида мағлуб этган. Фишернинг баъзи шарҳловчилари уни афсунгар деб ҳам атадилар. Аммо америкалик гроссмейстернинг ҳарорати, ноёб юришларию, мураккаб ҳисоб-китоблари, бехато комбинациялари назарда тутилса, уни афсунгар эмас, балки ажиб мўъжизакор гроссмейстер, деб билмоқ даркор.

Унинг Адриатика соҳилларини яхши кўриши, салафи Б. Спасский истеъдодини қадрлаши кўпчиликка маълум. Бу икки буюк шахматчи ўртасида бўладиган баҳс расмий бўлмасада шахмат аҳлида зўр қизиқиш уйғотаётганлги бежиз эмас. Шу боис у Г. Каспаров, А. Карпов ва бошқа сардорларни ҳам ўз гирдобига тортса, ажабмас.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Тарих фанлари номзоди.

● *ОЛАМИДА*

● *Ғирром савдо пули—харом*

ШАРМАНДАЛИК

● «Инсофсизга эрк берсанг, элни талар» дейди халқ. Бухоро вилояти савдо тармоқларида ўрнашиб олган айрим юлғичларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб беихтиёр шу мақол эсга тушади. Вилоят марказидан юз километр узоқликда жойлашган Газли шаҳри ишчилари бошқа бир дўкондан, ёхуд олибсотардан кундалик истеъмол маҳсулотларини харид қилиш имконнятига эга эмас.

Шаҳардаги дўкон сотувчиси Ниёз Раҳмонов буни яхши билади. Шундай бўлса ҳам ҳалол хизмат қилиб олқиш олиш ўрнига, юлғичликни давом эттиради. Яқинда у ишчи хонадонларига рўйхат бўйича ўлчаб бериладиган шакардан 50 килограммини, ўсимлик мойидан 25 килограммини, гуручдан 20 килограммини ўмариб қолганлиги маълум бўлди. Ромитан район матлубот жамиятига қарашли 20-дўкон сотувчиси Розия Бозорова 10 минг сўмликдан кўпроқ гуруч ва ун, 24 минг сўмликка яқин саноат молларини яшириб пуллашга уринди. Энди уларнинг иккаласи ҳам қонун олдида жавоб беришади. «Тенг еганни тангри севибди, ортиқ еганни арвоҳ урибди» деб шунга айтсалар керакда!

Бухоро район кооператив савдоси қарамоғидаги 9-гўшт дўкони сотувчиси Шариф Икромов харидорнинг ҳақидан бир зумда 9 сўмни уриб қолди. Унга қараб «Эссиз бўлсин сенга Шариф деган муқаддас исм» дегимиз келди. Энди Шариф ҳам жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича суд олдида жавоб беради.

Бундай виждонсиз савдо ходимлари хизматидан фойдаланиб, айрим қўшни республикалардан келаётган олибсотарлар гўшт, ун, шакар каби ўзимизда тақчил озиқ-овқатларни олиб кетишга уринишмоқда. Қўшни Туркманистон Республикаси билан чегарадош Олот районидаги давлат назорати пунктида бунга яна бир карра гувоҳ бўлдик. Қўшни республиканинг Мурғоб районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида яшовчи Б. Аннаев 2700 килограмм шакарни ҳудудимиздан олиб чиқиш пайтида тўхтатилди ва юкни туширгандан кейин қонун олдидаги масъулиятдан қўрқиб, қуён бўлди.

Ҳозирги пайтда вилоят хўжаликларидан ўғирланаётган кўп миқдордаги дон, аралаш озуқа бўйича каттагина ишлар очилмоқда. Фақатгина кейинги икки-уч кунда иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари томонидан деярли 40 тонна дон, 45 тонна аралаш озуқа йўлда ушланиб, давлат омборларига қайтарилди. Олот, Қоракўл, Шофиркон, Вобкент районларидаги хўжаликларда бундай мавсумий ўғирликлар айниқса тез-тез содир бўлаяпти.

Савдода ўрнашиб олган бундай юлғичлар ҳеч ким-ни назар-писанд қилишмайди, фақат қонун олдида жавоб беришдан қўрқадилар, холос, шундай экан, қонунчиликни мустаҳкамлаш ҳозирги шароитда биринчи даражали вазифа бўлмоғи лозим. Токи шундай оғир бир иқтисодий вазиятда меҳнаткашнинг ризқига ҳеч ким кўз олайтиришга журъат этмасин.

Топилган молнинг энг тозаси кишининг пешона тери билан топилгани, энг харомиэса ғирром савдодан топилган пулдир. Виждони бор савдо ходими буни асло унутмаслиги керак.

Т. МАННОПОВ,
Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг бошлиғи.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИРИНЧИ МАРТА! ПОЁНСИЗ СТЕРЕО РОҲАТ!

ЯНГИ SONY СТЕРЕО ПЛЮС ТИЗИМИ УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР ДОИРАСИНИ ФАҚАТ SONYГАГИНА ХОС БЎЛГАН СТЕРЕОЖАРАНГДОРЛИК СИФАТИ БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРАДИ

- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли радиостанцияларингизни ультрақисқа тўлқинларнинг қуйи (65–74 МГц) ва юқори (87,5–108 МГц) доираларида стерео шароитларида қабул қилиш имконини беради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС овознинг тиниқ жаранглаши, замонавий жиҳозланиш ва бошқарувнинг енгиллигини ўзида мужассамлаштиради.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС – бу миди- ва мини- HI–FI тизимлари ва стереомагнитола демакдир.
- SONY СТЕРЕО ПЛЮС сизнинг севимли асарларингиз ёзилган юксак сифатли стереофонотекани яратишдек ноёб имкониятни тақдим этади.
- СТЕРЕО ПЛЮС – БУ SONYНИНГ ЯНГИ КАЛОМИ. Унга қулоқ тутинг. Унинг садоси беқиёс!

Сиз 1992 йилнинг 15 июлидан 31 августигача SONYнинг расмий сотувчиларидан сотиб олинган ҳар бир СТЕРЕО ПЛЮС тизими учун:

▷ битта SONY аудиокассетасини
▷ битта SONY компактдискини мукофотга оласиз.

STEREO PLUS

SONY МУҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ ҚУЙИДАГИ ВАЛЮТА ДЎКОНЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: ТОШКЕНТ – "SONY" дўкони; САМАРКАНД – Регистон кўчаси, "SONY" дўкони.

SONY

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ ВА УНИНГ ЧИРЧИҚ, САМАРҚАНД ШАҲАРЛАРИДАГИ ФИЛИАЛЛАРИ НАҚД ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ҲИСОБИГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Факслар, ксерокслар, ўзбекча ва русча ҳарфли «Оптима», русча ва инглизча ҳарфли «Оливетти» ёзув машинкалари, телевизорлар, телефакслар, магнитафонлар, электр проигривателлар, соатлар, микрокалькуляторлар, автомобиль учун «ДЕСТА» ўриндиғи, кичик ҳажмли телевизион қурилма (телекамера ва монитор), 8 каналли «Кросна» йўлдош антеннаси.

Манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Телефонлар: 33-68-60, 33-89-12.
Чирчиқ шаҳри, 9 микрорайон, 30-уй.
Телефон: 2-45-15.

Самарқанд шаҳри, марказий бозор, «Электроника» магазини.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректорати, касаба уюшмаси «Тупроқшунослик ва деҳқончилик» кафедраси доценти М. М. Пирметовга рафиқаси **Моҳира Ёқубовна РАЖАПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 № 162. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.